Миллат деганда биз нимани англаймиз?
Миллат качон юзага келади?
Халк деганда нимани тушунамиз-у, миллат деганда нимани тушунамиз?
Бу саволларга жахоннинг кўп жамиятшунос файласуфлари жавоб беришга, таърифлар айтишга харакат килиб келганлар. Бундан кейин хам бундай харакатлар тўхтамайди. Миллат хакидаги ўзимизга якинрок манбалардан чиккан бир тушунчага тўхталиб ўтай. Муктадир турк алломаларидан бири Зиё Кўкалп ўз асарларидан бирида миллат ва унинг маъруф доираси хусусида фикр юритиб куйидагиларни айтади:
миллат жўгрофий худудлар билан белгиланмайди (чунончи, ер юзининг турли ерларида бир миллатга мансуб одамлар яшайверадилар);
миллат ирк эмас ва кавм хам эмас; миллат бир империя худудида ягона умумий сиёсат билан яшайдиган одамлар тўдаси хам эмас;
миллат хохишга кўра мансуб бўлинадиган ёки хохишга кўра ундан чикиладиган жамоа хам эмас.
«Унда миллат нима? — деб ўзига ўзи савол беради олим ва шундай марокли жавоб айтади: — Миллат бу — тарбияси ва тили бир — умумий бўлган одамлардан иборат маданий-маънавий категория. Киши ён-атрофидаги истаганча одамлар билан эмас, балки ўзи билан бир она тил ва бир хил тарбияга эга одамлар билан яшашни истайди. Зеро, инсон шахси унинг танига эмас, рухига тааллуклидир. Бизнинг моддий, жисмоний хусусиятларимиз иркимиз билан боглик бўлса, бизнинг рухий-маънавий сифатларимиз биз тарбияланган жамиятда шаклланади». Кўкалп тил, дин, хукук, ахлок ва ижод миллий характерга эга деб билади. Булар жам бўлиб, ўзаро чатишиб, кўшилиб маданиятни ташкил этади. Миллат — маданий-рухий субстанция. У умумий маънавий маданиятнинг эгаси ва бинокоридир. («Миллий егитим ва култур», 1985, 35-сон; А. Мустафоев. «Национальные отно¬шения в СССР в трудах турецких авторов». Боку, «Элм», 1990)
Ростдан хам, Худога осон эди хамма одамларни бир хил килиб яратса. Лекин табиатда Худо кушлар, баликларии кандай ранг-баранг килиб яратган бўлса, одамларни хам шундай ранг-баранг килди. Уларга турли мўъжиз тил ва турфа одатлар ато этди. Лекин одам болаларининг жисмоний курилишида, — одамни бино деб олсак, — одамнинг биносида хилма-хилликка йўл кўймади. Бу томондан хаммани бир-бирига тенг килди. Ўкситадиган, ерга урадиган хеч нарсага йўл кўймади. Одамлар жисмонан эмас, рухан фаркландилар. Тарбиялар турлича бўлди.
Лекин миллатларнинг шаклланиши ва юзага чикиши жуда-жуда узок ва хатто кўз илгамас жараёнларда кечади. Бу жараёнлар хеч качон тўхтамайди. Мана, Америкада уч юз йилдан бери миллий жараёнлар давом этади. Озодлик ва демократия гоялари тарбиясида у ерда янги бир миллат — америкалик дунёга келди. Энди у ерда миллат суриштирмайдилар. Лекин ўзларининг америка¬лик эканликлари билан ўта фахрланадилар ва Америка учун жонларини фидо этишга, кўлларидан келган барча маърифатли ишларни жонбозлик билан адо этишга тайёр турадилар. Улар шиорлар ташламайдилар. Балки ишлайдилар. Энг улуг шиорлар эса дилларида тарбия топ¬ган, озодлик ва демократия билан боглик барча гоялар уларнинг табиатига айланган.
Бу ходиса хам Зиё Кўкалп ўз таърифида канчалар хак эканлигига яна бир салмокли далил.
Кўкалпнинг фикри билан танишмасдан илгари миллатнинг асос белгиси унинг

маърифатида ва тилида деб ўйлардим. Илохий Куръонда бир неча маротаба айтилган «Иброхим миллати» деган тушунча бор. Бунда мил¬лат деганда тўгри йўл топган одамлар тушунилган: Худонинг ягона яратувчилигини тан олиб факат унгагина иймон келтирадиган, бошка нарсаларга — уларнинг кан¬дай махобатга эгалигидан катъи назар, сигинмайдиган одамлар. Бунда хам, эътибор беринг, миллат тушунчаси эътикодга эга бўлиш, яъни маърифатли бўлишга караб белгиланган. Эхтимол, миллатнинг замирида маърифат тушунчаси ётар, ахир тил хам асос-эътибори билан маърифат-ку: дунёни билиш-ку, тушуниш-ку, муомала-муносабат-ку! Муомала-муносабат хам тўлалигича маърифатга мансуб. Албатта, кейинчалик, айникса, ижтимоий, маданий, илмий, иктисодий тараккиёт инсоният хаётида жуда юксак чўккиларга кўтарилган ўн тўккизинчи асрдан бошлаб «миллат» тушунчаси кенгайди, бойиди, ифода диапазони равшанлашди.
Халкнинг меросий маърифати ва меросий маданияти замон-замонлар оша бошка халкларнинг маданиятлари ва удумлари билан бойиб, окибат узлуксиз тараккий килиб борувчи миллийлик вужудга келади.
Миллат — халкнинг маданий-маърифий ўзига хослигидир. Миллийлик миллатнинг ўзига хослигидир. Мил¬лат хам, миллийлик хам ўз доирасида ўзгариб, янгидан янги сифат белгилари топиб боради.
Кадимги туркийлар шахарларда ва кишлокларда яшовчиларни «улуш» дер эканлар. Балки «улус» сўзи «улуш»дандир. «Миллат» сўзи бизга араб тили оркали, «Куръон» маданияти оркали кирган. Агар улуш тушунчасини кўчманчиликка нисбатан олга ташланган тараккиёт белгиси деб хисобласак, унда «улус» сўзи «миллат» тушунчасига тўгри келади.
Хуллас, тил, тарбия ва маърифат билан миллат майдонга чикади. Миллат халкка ёхуд авомга хос таркокликнинг тугаганлигидир. Давлатчиликнинг мустахкам ва тебранмас тарзда шаклланганлигидир.
Халкнинг барча ўз ишларини ўзи бир ёкадан чикариб килишга кодирлик касб этиши — унинг миллат бўлганлиги белгиси ва кўрсаткичидир.
Имиериялар кўпинча миллатлар ва уларнинг ўзига хосликларини емириб ташлашга ёхуд хаспўшлашга, уни жуда юзаки ва хеч нарсага арзимас бир ходисага айлантириб кўрсатишга мойил бўлганлар. Империялар агар улар бир миллатнинг гегемонлиги байроги остида тузилмаган бўлсалар, доим миллат ва миллий ходисаларни махв этганлар. Миллий гегемонлик учун тузилган курок империялар хам бошка миллатларни камситиш, уларни кириб ташлаш, келажагидан махрум килиш йўлини тутганлар ва шунинг учун хам улар узок давом этмай, парчаланиб кетишга махкум бўлганлар.
Империялар миллий онгнинг уйгонишидан ўт-сув балосидан кўрккан каби кўрkканлар. Барча озодлик курашларида миллий онгнинг тутган ўрни алохидадир. Мил¬лий онгнинг уйгониши — ватанпарварликнинг уйгони¬ши, озодлик иштиёкининг уйгониши, ўз хак-хукукларини танишнинг бошланиши демак эди. Хар кандай импе¬рия мана шу кудратли кучларнинг зарбаларидан халокатга учраганлигини тарих кўп маротаба исботлаган.
Ўн тўккизинчи аср оёклаганда ва йигирманчи аср аввалларида Туронзаминда, бир томондан, мустамлакачилик тамойиллари таъсирида, иккинчи томондан, дунёдан хабардорлик жараёнларининг бошланиши шарофати билан маърифатчилик харакати кучайди. Маърифатчилик харакати ўз-ўзидан миллий харакатларни юзага чикарди. Маърифатпарварлик - миллатпарварлик билан туташиб кетди. Уларни бир-биридан

ажратиб бўлмасди. Миллатпарварлик — тарбия билан миллатни тараккиётнинг илгор погоналарига кўтариш, халкни тараккиёт йўлига олиб чикиш деган маънони англатади. Аср бошида ва ундан кейин Туронда майдонга чиккан зиёлилар миллатпарварликни шундай тушунар ва уни маърифатпарварликнинг ўзак томири деб тасаввур килардилар. Бир замон француз олими Э. Каррер Д'Анкоснинг 1990-йилда Парижда «Миллатларнинг зафари...» деган китоби хакида ўкиган эдим. У империяларнииг кулашини илмий исботлаб берган экан. Анкос кайта куриш даврида бизнинг Осиёда бораётган жараёнларни тахлил килиб, шу асосда «Ўрта Осиёда миллий туйгуларнинг биллурлашув ходисаси кўзга ташланмокда», деб ёзган эди.
Бу нихоятда топиб айтилган ва ходисани нак тўла камраб олган гап. Лекин «биллурлашиш» бизда эртарок, XX аср бошларида куртаклаган ва гоятда тезлашган эди. Империяча тўхтовсиз, узлуксиз ўтказилган катлиомлардан сўнг биллурлашиш тўхтади. Биллур конга ботирилди. Кон котди ва биллур кўринмай кетди. Хамма биллур махв бўлди, тугади, деб ўйлади. Биллурлашиш ичкарида, аммо гоятда секин давом этди. Кайта куриш даврида у кудратли тарзда намоён бўлди.
Аср бошида эса миллатпарварлик миллий тараккиёт жараёнини бошлаб берди ва уни ўз ортидан эргаштириб борди. Империячилар бу ходисани кейинчалик «миллатчилик» деб атадилар. Агар империячилар тушунчасидан келиб чикадиган бўлсак, хар кандай миллатпарварлик бу — миллатчилик. Миллатчилик эса уларнинг тушунтиришлари бўйича, бу — ўз миллатини юкорига кўта¬риш, бошка миллатларни камситиш, уларнинг хакларини горат килиш, зўравонлик, бакироклик, кибр-хаво, ўзини жахондан ажратиб ташлаш, махдудлик ва хоказо ва хоказолар. Касоскорлик, жангарилик... — миллатчилик-да шундай хунук ва ўта ярамас иллатлар хам мавжуд. Лекин бу иллатларни айрим тоифаларда ким тарбиялайди? Факат ва факат империя. Империягина миллатчи¬лик шундай сифатларга ва хусусиятларга эга бўлишидан манфаатдор. Факат империягина бундай сифатлар ва хусусиятларни хар кандай килиб бўлса хам урчитади, дам солади, «тарбиялайди», вояга етказади. Сўнг киргинни шу бахонада бошлайди. Шу бахонада барча илгорларнинг бўйнини узади. Миллатчилик хакида жар солади. Уни ижтимоий ходиса килиб кўрсатади ва унинг бахонасида умуман миллатга карши кураш олиб боради.
Шунинг учун биз миллатчилик мустамлакачиликдан ўсиб чикканлиги ва мустамлакачиликнинг тарбиясини кўрганлигини сира унутмаслигимиз керак. Мустамлакачилик йўколганда, таг-томири билан бархам топганда, бундай жангари, касоскор миллатчилик хам ўз-ўзидан бархам ейди, тарих сахифасидан тушиб кетади, миллат хаётидан ўчади. Чунки унга энди мутлако эхтиёж колмайди.
Бизда миллатни англаш миллий туйгуларнинг кучли танкидидан бошланди. Миллат танкиди билан майдонга чиккан зиёлиларимизнинг хаммаси дунё мамлакатларини кўриб келдилар. Жахонда бораётган шиддатли ўзгаришлардан хабардор бўлдилар. Ўз холлари ва ахволларига назар солдилар. Шунда уларнинг кўзларига аламли, ачинарли, хакикати аччик бир мамлакат намоён бўлди.
Улар миллатнинг ўзагига карадилар. Ўзак соглом эканлигини кўрдилар. Соглом ўзакни кудратли ва яшовчан килиш учун факат ва факат тарбия — миллий туйгулар ва миллий онгнинг максадга кучли йўналтирилган тарбияси зарурлигини англадилар.
Тарбияни улар миллий урф-одатларнинг шиддатли танкидидан бошладилар. Албатта, миллат урф-одатларсиз яшолмайди. Урф-одатлардан халос бўлолмайди. Урф- одатлар унинг хаётига маъно ва мазмун киритади, урф- одатларини тўлик адо этиб, ўзини инсон

деб, инсонлик, миллатдошлик бурчини бажарган сингари сезади. Бу унга коникиш ва фарогат бахш этади. Лекин факат урф-одатларни адо этишнинг ўзи билангина чекланиш, чунончи, хаётни — тўйдан тўйгача, азадан — азагача, хайитдан — хайитгача деб билиш ва шу чегарадан чикмаслик, шуни инсон турмушининг бош мезони каби тушуниш албатта миллатни хаддан ташкари чеклаб кўяди. Унинг хаётий, миллий манфаатларининг ўта торайиб колишига олиб келади.
Манфаатларнинг чекланиши ўз навбатида хафсаласизликни келтириб чикаради. Миллат микёсида олганда, хафсаласизлик жуда огир иллатга айланиб кетиши мумкин. Ёш Чўлпон ўзининг илк бадиаларидан бири ва хатто «Доктор Мухаммадёр»да хафсаласизликни «хушёкмаслик» деб атаган эди. Унинг ёш кахрамони «Мунча хушёкмассизлар, биродарлар!» — деб хайкирган эди.
Хафсаласизлик — гайратсизлик билан айтарли бир нарса. Лекин фарки бор. Гайратсизлик — мехнатга, харакатга, эл-юрт равнаки ва ободончилигига иштиёкларнинг сўниши бўлса, хафсаласизлик хам ана шу гайратсизликни хам рухий сўниклик, тушкунлик, келажакдан умид килмаслик, келажак учун курашмасликни ўз ичига олади. Турли жуда мураккаб ва чигал сабаблар билан Туронзаминда кейинги уч аср мобайнида шундай хафсала¬сизлик хукм сурди. Урф-одатларни адо этишнинг ўзи билангина кифояланиш окибатида хафсаласизлик тобора урф бўлди. Ўн тўккизинчи асрда у миллий микёсдаги ходисага — миллий хафсаласизликка айланди. Чекка мамлакатга тобе бўлиб колиш бу хафсаласизликни янада кучайтирди.
Илк ўзбек газеталари, журналлари, жамиятлари, илк босма китобчалари, кўшиклари шу миллий хафсаласиз¬ликни каттик танкидга олди.
1906 йилдан эътиборан дунёга кела бошлаган «Тараккий», «Хуршид» сингари миллий газеталар, илк миллий гоялар кўгарилган шеърлар, кўшиклар олти-етти йил ўтмай «Садои Туркистон», «Садои Фаргона», «Оина» каби нашрларнинг миллат майдонига чикишига туртки берди. Авлоний, Тавалло, Хамза каби шоирларнинг миллиятчилик рухидаги илк китобчалари дунёга келди. Бу жихатдан айникса, «Садои Туркистон» газетаси соясида чиккан «Сабзазор» миллий шеърлар тўплами Турон мил¬лий адабиётининг кейинги ривожи учун катта ахамият касб этди. «Сабзазор» оханглари ва гояларидан рухланади кейинги барча миллий шеърлар ва ашулалар тўпламлари, барча ок гуллар ва барча сарик гуллар...
«Сабзазор» ва ундан бир неча йил кейинрок чиккан Таваллонинг «Равнакул ислом» шеърлар китоби янги ўзбек миллий адабиётининг майдони очилганидан ва бу адабиёт ўзига маърифий жанговарликни шиор килиб олганидан дарак берди. Афсуслар бўлсинки, янги XX аср миллий адабиётимизни бошлаб берган бу китоблар узок замонлар ёддан чикариб юборилди. Улар ўрганилмади. Уларнинг кейинги миллий адабиётнинг харакатидаги ўрни ва ахамияти аникланмади. Кўркитилган одамларда урф бўлиб кетган сиёсий хафсаласизлик бунга йўл бермади.
Холбуки, булар янги миллат хаётини, ундаги ўзгаришларни кутлаган ва миллий хафсаласизликнинг барча турларига карши танкид ўтини очган илк нашрлар эди.
Хозир «Сабзазор» 1914 йилда нашр килинганига карамай йўк бўлиб кетиш даражасига келган. Мен уни кидириб, Шаркшунослик илмий текшириш институтининг кутубхонасидан топдим. Кутубхона илмий ходимларининг илтифотлари боис ўкишга муяссар бўлдим. Китобча бор-йўги ўттиз бетгина, у хам узук-юлук сахифалардан тўпланиб, тўлдирилган, авайлаб ёпиштирилиб, бир бутун холга келтирилган. Чамаси, бу хайрли ишни, бошка кўп улуг хизматлар катори домла Носируф адо этган. Титул варагида у кишининг кўллари

билан сана ва мундарижа дарж этилган. 17.XII — 62 йил санаси — таъмир санаси бўлса керак, кўрсатилган. Китоб сарлавхасининг тагига «Садои Туркистон муштарийларига хадя» деб кайд этилган. Китобча кичкинагина шу сўзлар билан очилади: «Садои Туркистон» жаридасина шеър ёзуб тургон ёш шоирларимизнинг дарун дилларидан чикаруб миллати исломиянинг ахволи хозирасин гўзал суратда тасвир этгон «миллий шеърлари»ни миллат хотирасида абадан колдирмак орзусинда аксарларини мусоадайи миллатпарвоналари ила бу рисола тартиб ўлинди». Шу сўзларнинг пастида имзо: «Жомеъи ва ношири Мунаввар Кори. Биринчи табъ. 1914 йил мелодий». Кўл билан ёзилган мундарижада Васлий, Сўфизода, Хамза, Абдулла Авлоний, Хислат, Тавалло, Ажзий, Мирмулла Шермухаммад, Хаёлий, Афандихон, Лайли хоним сингариларнинг жаридага табриклари ва миллий мавзудаги шеърлари жамланган. Авлоний ва Тавалло бир канча шеърлари билан катнашганлар.
«Сабзазор» бошдан-охир миллатга мурожаатдан иборатдир. У миллатни илмга таргиб килади ва эски, оёкларда кишан бўлиб ётган урф-одатлардан халос бўлишга даъват этади.

Аё, эй сохиби урфон!
Ватан богида фарёд эт
Отиб тошларун эски одатларни барбод эт —

дейди Авлоний илм касб этмакликда фарёд ва барбодга кучли ургу бернб. Унга Сўфизода ўз гўзал шеъри билан жўр бўлади:

Дод ўшал олим рухонийдан
Кўшди шариатга ўзи ёнидан
Хурми эди? Дини азиз жонидан
Миллат учун кечмади ўз конидан
Кумрилар-у булбул-у бедоналар
Яхши ўкур, сиз хам ўкунг, оналар...

Эътибор килинг, шоирларнинг мурожаатлари олимлар, рухонийлар, сохиб урфонларга каратилган. Чунки улар миллатни шакллантиришда, унинг тарбияси ва де¬мак, равнакида асос мавкега эгадирлар. Ва улар ўзларининг асосий бурчлари хамда ишларини йигиштириб кўйганликлари учун янги замон шоирларининг аламли ўкларига нишонга айланадилар, Ўша пайтда — аср бошида миллатнинг энг яхши фарзандлари миллатнинг йўлидан хабарсизлик деворлари ва огир тўскинларини олиб ташлаш пайига тушдилар. Хабарсизлик хам мил¬лий хафсаласизликнинг урф бўлишида жиддий сабаблардан бири бўлган ва бўлиб колмокда эди. Хабарсизликларни енгиб ўтишнинг

биринчи чораси миллий газеталар чикариш деган хулосага келдилар. Иван Гейернинг «Тараккий» деб номланган либерал газетаси ва сал кейин унинг заминида чика бошлаган Исмоил Обидийнинг «Тараккий»си миллий хаётда хабарсизликни енгиш йўлида илк кадамлар бўлди. Шоирлар газетага «миллат учун хакнинг эхсони» деб карайдилар. «Тараккий» шоирларни миллат йўлида ишлашга уюштирди. Улар миллат такдири устида жиддий бош котира бошладилар. Тавал¬ло «Сабзазор»даги шеърларидан бирида хабарсизликни каро ер остига тириклай кириш билан баравар кўяди: «Ким хабарсиз бўлса ўздан нафс танпарвар бўлиб, бу каро ер остига колгон балога жонидур»... Бошка бир шеърида эса у кўкларга ёлворади, миллат заифлиги ва касалликларининг сабабини фалакнинг тескари ишларидан кўради:

Фалак, бизга хабар бер,
не учун эътибор этдинг
Жахонда жумла миллат ичра
бизни шармисор этдинг...

Хору зорлик, тубанлик, колоклик сабабларини ахтарганда, албатта ўша пайтлар кўп шоирларнинг акллари шошган эди. Маърифатпарварларни иложсизлик кийнарди. Бошлари умуммиллий ожизлик деворларига бориб урилар ва шунда Тавалло каби: «Кўр ўлди кўз, ахадо! Рахм этиб кўзимни оч», деб кўкдан илтижо этардилар. Улар нажот излаб, нажотни илм-маърифатда кўрдилар. Акллар ва онгларни тарбия килсак, коронгуликдан, кўр ва карликдан халос бўламиз деб каттик умид килдилар. Нажотни бошка бир томондан мил¬лий хаёт тарзини кучли танкид остига олишда хам кўрди¬лар. Ўнлаб шоирлар, маърифатпарварлар, муаллимлар, уламолар хабарсизлик ва хафсаласизликка карши отландилар.
Миллат онги ва туйгуларининг биллурланиши жараёнга кирди.
Миллий онг тарбияси бошланди. Миллий онгнинг биллурланишида газета, мактаб, турли жамиятлар биринчи даражали ахамият касб этдилар. Миллий танкид биллурланишни янада кучайтирди.
Шоирлар маърифатни канча куйласалар, жахолатдан шунчалик куйдилар. Зотан, жахолат хам хафсаласизликнинг узвий бир бўлаги эди. Мунаввар Кори 906- йилда «Бизни жахолат жахли мураккаб» деб чикди. Жахолатнинг бош томирини кидириб, ўша пайтгача бўлган мактаб тарбиясига назар ташлади.
Мунаввар Кори ўша пайтдаги миллий мактаблар ёш болаларга фойдасиз илмларни ўкитиб, кимматли вактларини зоеъ килмокда деб кайгурди. Мактабларда жами «Лавозимоти динияни билдурмак мумкин ўлгон холда, — деб ёзади Мунаввар Кори ўша маколада, — тўрт-беш йилгача хижжа усули бирла дунё ва охиратга фойдаси бўлмагон Фузулий, Навоий, Хожа Хофиз ва Бедиллар каби мушкул манзума китобларга умр азизини барбод этарлар...» Мунаввар Кори мактабларда ўкишларни хаёт учун нафи тегадиган, болаларни яшашга маънан ва рухан тайёрлайдиган, уларни турмушга кобил киладиган савияга кўтариш тарафдори бўлиб чикади. Диний ва дунёвий илмларни теран ўргатиш ўрнига домлалар мактабда таги пуч нарсалар билан шугулланадилар: «фалонни

коши каро, кўзи каро, юзи ок, сўзи ширин деб, болаларни фасод ахлокига биринчи сабаб ўладургон ман¬зума китоблар ўлмиш», деб захарханда килади Мунав¬вар Кори.
Албатта болаларнинг дидини ўстириш, уларга юксак шеъриятнинг нафосатини англатиш, мухаббат уйготиш хам ўз навбатида зарур. Лекин мактабда домлалар фа¬кат шуларнинг ўзи билангина чекланиб колсалар, бошка кўпдан кўп, зарурдан зарур илмлар ўкитилмаса, болалар хаёт олдида албатта заиф бўлиб коладилар, ўз такдирлари ва мамлакат, миллат такдирини ечиш, харакатга келтириш, уни ривож йўлига олиб чикишдан ожиз коладилар. Лекин фожиали жойи шундаки, деб таъкидлайди Мунаввар Кори, муаллимларнинг ўзлари болаларга нималар зарур эканлигини билмайдилар.
Мунаввар Кори мунозаранинг кескинлиги билан юкоридаги сўзларни айгади-ю, кейин фикрини яна бир- мунча юмшатади. Мен Фузулий, Навоий, Хофиз, Бе¬дилларни тахкирламокчи эмасман. Уларни мутлако бефойда демайман. Лекин ёш болаларга улардан таълим бериш фойдасиз демокчиман, деб ёзади. Албатта бунда Мунаввар Коридай мактаб, таълим ва нашр ишларида тажрибакор, омилкор одам ўз аник таклифларини хам ўртага ташлайди. Мисол учун болаларга Фузулий ўрни¬га илми кироат, Навоий ўрнига масойили эътикодия, Хожа Хофиз ўрнига масойили амалиёт, Бедил бадалига илми хисоб ўкитилса, дин ва дунёси учун канча фойдалар хосил килиб, мусулмон ўлур, деб айтади.
Мунаввар Кори илмсизлик ва гайратсизликдан бутун дунё олдида шарманда бўлиш эхтимоли борлигидан огохлантиради. Миллат фойдаси учун жонини курбон килишга арзийдиган арслондек йигитларнинг умри бекор ўтаверса, миллат ночор ахволга тушади, у бошкалар кўлида ўйинчокка айланади.
Миллий мактабларда ахволлар шундай бўлгач, уларда тахсил кўриб чиккан кишилар ижтимоий хастда кандай эдилар, хаётга фаол муносабат уларда шаклланганмиди? Миллий онг нималардан озикланарди?
«Тараккий» газетасининг эътиборли бош маколаларидан бирида шулар тўгрисида фикр юритилади. 905-йилнинг шов-шувлари, хурриятпарварлик нашидалари хали босилмаган эди. Эзилган халклар ўз озодликлари хакида кайгура бошладилар. Ана шундай шароитда «мусулмон- лар на холда эдилар?» — деб савол ташлайди газета.
Улар «кардошларига имдод килдиларму?».
Газета ўз саволларига коникарли жавоб тополмайди миллат ичидан. Бизнинг мусулмонларимиз хамма хуррият учун жон олиб, жон берганда тазйикот ва тахдидотлар остида уйларидан чикмай ётдилар, жон сакладилар, деб ёзади «Тараккий». Зотан уларнинг калбларига «кўркоклик аралашмиш эди». Улар истибдодни емириш палласи келганда бир иш килолмадилар. Улар холига жумла олам хайратланди. Нима, мусулмонларнинг хуррият ва адолатга эхтиёжлари йўкмиди? — деб яна савол ташлайди «Тараккий». — Ёхуд асоратда колмок истаюрларму?»
Газета бунга жавоб ахтаради. Мусулмонларнинг хурриятга мухтожликлари майдондадур. Газета мулохаза юритиб, нихоят катта хулоса чикаради: мусулмонлар¬нинг бошларига тушган балоларнинг сабаби истибдод, дейди. Газетанинг нажот излаган кўзлари яна илм-фанга, тахсилга, янги макомдаги мактаб-мадрасаларга туша¬ди.
«Тараккий»нинг 906-йилда жамият ўртасида ташлаган бу каби саволлари яна кўп йиллар майдонда турди. «Тараккий» тўхтаб колганда, йиллар ўтиб саволлар бу¬тун шиддати билан Махмудхўжа Бехбудийнинг «Самар¬канд» газетасига, «Оина» журналига кўчди. Бехбудий¬нинг миллат хаётига доир йирик фикрларни ўртага ташлаган «Эхтиёжи

миллат» деган ажойиб маколаси Мунаввар Корининг 906-йилдаги «Бизни жахолат жахли мураккаб» маколасидан етти йил сўнг чикди.
Хўш, икки макола орасидаги етти йилда Турон ва унинг халки хаётида нима ўзгаришлар рўй берди? Етти йил ахир оз муддат эмас. Тўгри, бирмунча иктисодий кўтарилишлар бўлди, газета-журналларнинг сони кўпайди. Уларга кизикишлар ортди. Миллат хакида фикрлаш даражаси ўзгарди, микёси кенгайди. Миллат хакида кай- гуриш 913 —917-йилларда баланд чўккиларга кўтарилди. 905-йилда англанмаган ходисалар энди теранрок англанди. Мустакиллик шабадалари эсиб турар, бу вазиятни 905-йилдагидек яна бой бериб кўймаслик керак эди. Маърифатпарварлар буни жуда чукур англардилар ва изтироб билан илм-маърифат учун курашардилар. Етти йил ичида маърифатпарварларимизнинг фикр доираси, мантики, бахс кобилияти жуда кучайганлигинн шу икки макола мисолида хам кузатиш мумкин.
Бир миллатнинг ахволи бошка миллатлар ахволига киёсланганда яхши билинади. Маърифатпарварларимиз ўз асарларида киёсий фикрлашга алохида эътибор берадилар. Киёсий фикрлаш уларнинг энг севган куролига айланади. Миллий онг тарбиясида маърифатпарварларнинг киёсий фикрлаш тарзлари катта ижобий натижалар берди.
Солиштирилганда, маърифат юзасидан, орифлик ва хабардорлик, хаёт тарзининг даражаси юзасидан солиштирилди. Бу киёслашлар миллатнинг ахволини кенгрок ва чукуррок кўриш, мулохаза этиш, хулосалар чикаришга имкон берди.
Солиштиришда миллатнинг фойдаси кўзланди.
«Бошка миллатларга каралса, кўрилур-ки, — деб ёзади Бехбудий «Эхтиёжи миллат» маколасининг бошиданок, — мунтазам мактаблари бор. Ва ул мактабда диний илм устинда дунёвий илм ва фанлар хам ўкилур. Чунки дунёга турмак учун дунёвий фан ва илм лозимдур. Замона илм ва фанидан бебахра миллат бошка мил¬лат ларга поймол бўлур...»
Бошка халклар олдида поймол ва шарманда бўлмаслик йўллари ва чораларини ахтариш Мунаввар Кори, Бехбудий, Авлоний, Тавалло сингари адибларнинг фикр ва харакатлари марказида турди. Уларда миллат учун орият туйгуси жуда кучли намоён бўлганлигини хар бир сўзларида кузатишимиз мумкин.
Мунаввар Кори каби Бехбудий хам миллат учун нажот кидиради. Унинг кўзи обод ва фаровон Европага тушади. Европанинг тараккиёт омиллари устида мунтазам фикр юритади. Европа илм, техника ва конунларга каттик риоя оркали шунчалар катта тараккиёт йўлига чикканлигини кайд этади:
«50 сана мукаддамги замонда биз, туркистонликлар, якка ва танхо яшаб, бошкалар ила муомала ва муносабатимиз йўк эди. Энди замон ўзгариб, бошка миллатлар илан махлуг бўлдик. Шариат ва ўз урфимиз устига конун ва Оврупо одатига итоат килмокга мажбурмиз».
Миллатпарварлар хеч качон ажралиб, ўз кобигига ўралиб яшаш фикрини таргиб килган ва хатто буни хаёлларига хам келтирган эмаслар. Аммо кейинги даврларнинг тарихчилари уларни «ажратиб олиш», «ўз кобигига ўралиб яшаш»ни кўзлаганлик ва зўр бериб таргиб этганликда айбладилар ва шу асосда уларни «миллатчи» деб атадилар, шу тамгани ўйлаб топдилар ва шу тамгани уларга узок муддат ёпиштириб келдилар. Энди маълум бўлдики, уларга кўйилган барча айблар мустамлакачилик сиёсатидан келиб чикар ва мустамлакачиликни саклашни кўзда тутарди.
Бехбудий Европа томон кадам ташлаш тарафдори. Уз урф-одатларига бурканиб яшашга

тамомила карши:
«Замони собикда факат шариат билмак кифоя этарди. Энди конун ва закунни билмок хам лозимдир...»
Бизнингча, «конун» ва «закун» бир нарса. Лекин Бехбудий бу тушунчаларни фарклайди ва ёнма-ён ишлатади. Бу ўзбекча уй билан европача «дом»ни фарклайдиган бўлганимиз каби шариат конунлари билан европача дунёвий конунларни фарклаб, «закун» дейди. Маърифатчилар миллатни мана шундай хам янги, хам анъанавий конунлар рухида тарбиялашга алохида эътибор бе¬риб карайдилар. Одамнинг кандайлиги унинг конунларга кандай муносабатда эканлигидан билинади. Конунлар миллатни интизомли ва якнафас килади.
Лекин конун доирасида яшайдиган миллат бўлмок учун аввал уларни яратиш, уларни ўзлаштириш, яъни конунлар билан маърифатли бўлиш эхтиёжи туради мил¬лат олдида. Бехбудий конун асоспда ижтимоий хаётда европача усул-идорага устиворлик беради. Замонавий дорилфунунларда ўкиган, «замон факихи» бўлиб етишган одамлар, — деб давом этади муфти хазратлари, — «Суд махкамаларида, давлат доираларинда кириб, хар бир хукукшунос ўз муваккили ва ўз миллати ва ўз ватани ва ўз давлатининг нафига сўйлашур, мудофаа килур...»
Бехбудий наздида ўзни англаш — ўз хукукларини англаш ва хукук тарбиясидан бошланади. Шунинг учун заршунос, кадршунос адиб келтирилган парчада «ўз» сўзига алохида ургу беради. Конунларга риояни ўзликни англаш, билиш билан боглайди. Маърифатчилар ўзликни англашни миллий тарбияда жуда юкори ўринга кўядилар. «Ўз миллати, ўз ватани, ўз давлати» — мана шулар шахсни шахс килади, шахсни мана шулар мил¬латнинг бир ориф парчасига айлантиради. Ва мана шу¬лар миллатга — миллат унвонини беради.
Хукукларни билиш, улар асосида яшаш, ўзликни тўла ва теран тушуниб етиш — миллат туйгулари ва онгининг шаклланишида биллурланишнинг кўринишларидир. Олмос биллурлана-биллурлана ёмби тусга киради ва унинг хар бир зарра биллури ёмбининг барча хусусиятларини акс эттиради. Биллурланиш кучайган сайин ёмбининг киррадорлиги хам ранг-баранг шакл олади, у ўз зарралигида хам, ёмбилигида хам бутун — яхлит ходисага, миллатга нисбатан айтилганда эса, тарихий ходисага айланади.
Бехбудийнинг хаёли ўша пайтдаги Давлат Думасига тортилган. У «замон факихлари» Давлат Думасида ўтириб миллат ва миллий давлат манфаатларини химоя килишларини истайди. Шунда миллат ишларини дунё танийди, хабардор бўлади.
Лекин афсуски, деб кайд этади адиб, «шундай одам бизда йўк». Миллат илм, фан, конун, тил билмаса, хаётга юксак манфаатли тус берадиган турли мутахассислар бўлмаса, хар кадамда огир фириб ейиши мумкинлигидан адиб огохлантиради ва бу тўгрида изтиробга тўлиб сўз юритади. «Ахир, мухандис, инженер, техник бўлиш хаммолликдан яхши-ку!» — деб дард чекади Бех- будий.
Маърифатчилар Туроннинг жуда бой мамлакат эканлигини яхши тасаввур килардилар. Лекин бу Худо берган бойликлар нега миллат учун харакатсиз ётади? Нега унинг меваси, дон-дуни, зироати, тупроги, маданларидан бошкалар фойдаланиб, бойиб, миллатнинг ўзи эса улардан ўз корига манфаат кўролмайди?

Укувсизликдан хеч бир иш килолмаймиз, деб нола чекади адиб. У илк бора Европа бозорларига чикиш масаласини кўяди. Лекин бунинг бир мухим шарти бор. Европа билан савдо килиш учун, дейди адиб, аввал жуда бўлмаганда, ўн йил гимназияда ўкиш керак.

Адиб муайян йўлларни хам таклиф этади: «бизда шохи, адрас, бекасам, олача... бофликлар бор, — деб ёзади муфти хазратлари, — агарда бир нафар техник ва мухандисимиз бўлса, бу дастгохларни ислох этар, ахоли обод бўлур, ва илло, якин вактда (хоса дока) бофиларимиздек зое бўлуб кетар. Чунки Оврупо янги асбоб ила мундин яхши килиб чикарур»... Бу сўзларни ўкиб, Фитратнинг «Сайёх хинди»си эсимга тушади. Ёдингиздами, сайёхнинг Каршида мохир алоча тўкувчи хунарманд билан касбнинг ривожи хакида тузган бахслари... Бу адиблар миллатни миллат килиш жабхасида сафланиб, якдил турганликларидан ва маълум бир мавзуларни кайта-кайта ўртага кўйишдан чекинмаганликларини кўрсатади.
Бехбудий, Фитрат, Мунаввар Кори, Авлоний ўз мил¬лат тарбиясига каратилган тахлилларини янада ишонарли килиш учун ўтмишга мурожаат киладилар. Ўтмишдан фахрли, соглом илдизларни топадилар. Шу билан бирга миллатнинг замонга мослашолмай кийналаётгани сабаблари устида тўхталадилар.
«30 сана мукаддам, — деб ёзади Бехбудий, — Самаркандни Йоми махалласида (300) алочабоф ишчи бор эди. Алон, ўттиз нафар йўк. 10 сана сўнгра тамом махв бўлур. Хулоса, мактабимиз, дўконимиз, корхонамиз, мадрасамиз ва хар нимарсамизни замонча ислохи лозимдур. Илло, хар нимарсамиз кўлдан кетар, бизда муздурликдан бошка иш колмас. Ер ва ускана, дўкон ва саройни ишлатмокга хам илм замоний ва замона шумлигини билмок лозим. Ва илло, биздан дунё илмини яхши билатурганларга мулк ва асбобимиз ўтар ва ўтуб турубдур»...
Канчалар замонавий ва канчалар илгор, соглом, салмокли фикрлайди устод Бехбудий! Ва канчалар узокни кўрган эканлар бу маърифатчиларимиз!
Нажот излаган Бехбудийнинг кўзи мамлакат бойларига тушади. Бошка миллатларнинг бойлари факирлар ва етимлар учун мактаблар, дорилфунунлар солиб берадилар, замонавий касалхоналар очадилар, жамияти хайриялар тузадилар, стипендиялар тайинлайдилар ва мил¬лат бундай ишлар билан фахрланади, жуда катта манфаат кўради.
Бехбудий кайгуриб ёзади:
«Бизникилар жуфта оти ила, аробаси ила, тўйи ила ва ... си илами фахр этар?»
Бехбудий миллат олдига замона одамлари бўлиш, за¬мена одамлари каторига кириш вазифасини кўяди. Бунинг учун миллат киска муддатларда ўз орасидан кўплаб акл эгалари, муаллимлар, инженерлар, врачлар, техник ходимлар, хукукшунослар, замона тожирларини етиштириб чикариши керак. «Шулар боис бўлиб, давлат ишига кирармиз», шулар боис бўлиб, «халойикни барбод эта турган тўйлардан халос бўлармиз», деб умид килади Бехбудий.
Миллат тараккийси хакида кайгуриш — миллат тарбияси, миллий онг ва туйгулар, равиш-рафторлар, дид- фаросатлар тарбияси хакида кайгуриш хамда саъй-харакатлар билан чамбарчас богланиб кетди. «Самарканд» газетаси 1913 йил 30 июлда чиккан сонида масалани худди шу тарзда кўйди. У «Миллатлар кандай тараккий этарлар?» — деган саволни жамоатга ташлади. Ва шун¬дай хулоса чикарди: «Миллат ахлок, фазл ва хунар ила бокий колур... Бугун ислох миллатга кўшиш килинмаса рабъ аср сўнгра диёнат барбод бўлур ва анинг жавоби масъулияти бу кунгиларга колур»...
Шундай килиб, миллатни шу уч коя: ахлок, фазл ва хунар воситасида шакллантириш, киёфали килиш, жахонга олиб чикиш масъулияти кўйилди. Миллатнинг ўзи хам шу уч нарсанинг бирлигидан бунёд бўлиши белгилаб олинди.
Шу уч олмоснинг биллурланиши, биллурланган, емирилмас кирралари билан томирни

пажмурда киладиган хафсаласизлик, масъулиятсизлик, журъатсизлик ва улар¬ни келтириб чикарадиган нарсалар, чунончи, ўтмиш тарих ва меросга локайд караш, ўз тарихий анъаналарини хурмат килмаслик, маънавий-ахлокий ишончсизлик, мил¬лат шарафи учун кураш туйгусининг кучсизланиши — миллий жасоратнинг поймол бўлиши кабиларга жиддий, мунтазам карши турди.
Бехбудий ўз маколаларидан бирида: «Мозий истикболнинг тарозусидур. Хар ким ўлчасун-да, билсун!» — деб ёзган эди. Мозий бизга ибрат кўзи билан бокади. Албатта, бугунги миллатнмиз кечаги миллат эмас, тарак¬киёт ўз самараларини берган.
Бугун миллат ўз маърифатчилари орзу килган ишларга кадам-бакадам якинлашмокда, эришмокда, барча замонавий сохаларда аста ўз микёсларига эга бўлмокца. Бу жараён мустакиллик шарофати билан, узокни кўзлаган окил, вазмин, ишончли сиёсат шарофати билан хийлагина тезлашди.
Энг яхши миллий тарбия — бу умуминсоний тарбия хамдир. Мустакил Ўзбекистонда миллий тарбиянинг ана шундай йўли асос килиб олинмокда. Яна кайтараман: энг яхши миллий тарбия бу — умуминсоний тарбия хам¬дир. Бизда миллий тарбиянинг жуда мўътабар тажриба мактаблари мавжуддир. Бу мактабларда тинимсиз ўрганмок ва тинимсиз ўкимок лозим келади.
Миллат хакикатан хам аввало — фазл, хунар ва ахлокдир. Шу ишларга кодир бўлганлар доим ютукдадир.
Жамиятимизда маънавий-ахлокий асослар ва ижтимоий-инсоний кадриятлар кайта бунёд бўлаётган бир пайтда якин ўтмишимизнинг гоятда ўзига хос маданий- маърифий тажрибаларига кенг назар ташлаш, уларни хар томонлама ўрганиш келажак наслларнинг хато килмай яшашлари учун хизмат килади. Асримиз бошларида то Туркистон мухториятига бўлган бенихоя эътиборли бир даврда мамлакатимизда Европа маданиятини ўрганиш, янги усулдаги мактаблар очиш, газета, журналлар нашр этиш, театр ва санъат ишларини андак бўлса-да йўлга кўйиш учун харакатлар бўлди. Аср бошидаги маданий-ижтимоий харакатда «Таржумон», «Тараккий» сингари газеталар билан бир каторда машхур хукукшунос ва жамоат арбоби Убайдулла Асадуллахўжаев нашр этган ва мухаррирлик килган «Садои Туркистон» газетаси хам фаол катнашди, мамлакатни уйготиш, гафлат ва жахолатдан хал ос килишда бебахо рол ўйнади. Айтиш мумкинки, у ўзи чикиб турган 1914—1915 йиллар орасида маданий-маърифий уйгонишнинг бошида турди. Унинг биринчи сони «Таржумон »нинг ўттиз йиллиги муносабати билан 1914 йил 1 апрелда дунё юзини кўрди. Унинг чикиб улгурган олтмишдан ортик сони миллий уйгониш харакатининг максад хамда вазифаларини ўрганиш ва ибрат олишда бир хазииа дейишлик мумкин. «Садои Туркистон»нинг чикканига саксон йил тўлди. Бу макола ўша миллатнинг мунавварлиги учун курашган, миллат кахрамонлари бўлган боболарнинг хотираси учун ёзилди.

“Мангу латофат” китобидан. Иброхим Гафуров